O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

*Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2008 йил 28 май ЧОРШАНБА • № 41 (12.052)

1928 йил 11 декабрда асос солинган • Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси • Эркин нархда сотилади

www.th.uz

## ЯНГИЛАНГАН МАЖМУА

**– Мен кенжатойимни дунёга келтирганимда, туғруқхонадаги шароитлардан жуда хафа бўлиб кетган эдим, – дейди паркентлик Шарифа ая. – Бино хароб аҳволда, ҳеч қандай шароит йўқ. Ҳатто ювиниш учун сув топиш муаммо эди. Бугун тўнғич келинимни бу ерга олиб келиб, таниёлмай қолдим. Телевизорда кўрсатадиган хориж туғруқхоналаридан ҳеч фарқи йўқ. Кўриб, жуда хурсанд бўлдим...**

Дарҳақиқат, бугун мамлакатимизда тиббиёт соҳасини ислоҳ этиш, айниқса, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш масаласига муҳим вазифа сифатида қаралмоқда. Шу сабаб юртимиздаги барча шифо масканлари қайта таъмирланиб, замонавий жиҳоз ва тиббий ускуналар билан таъминланмоқда.

Паркент тумани соғлиқни сақлаш бўлимига қарашли туғруқ мажмуасининг капитал таъмирдан чиқарилгани ҳам бу борада олиб борилаётган ислоҳотларнинг меваси дейиш мумкин.

– Ҳақиқатан ҳам туманимиз туғруқхонаси ачинарли аҳволга келиб қолган эди, – дейди туман соғлиқни сақлаш бўлими бошлиғи Саттор Муҳиддинов. – Охир-оқибат ёпиб қўйилганди ҳам. Шу йилнинг Наврўз байрами арафасида эса мутлақо янги қиёфадаги мажмуа туманимиз аҳолисига туҳфа этилди.

90 ўринли туғруқ мажмуасини бундай шинам ва замонавий кўринишга келтириш учун 800 миллион сўмдан зиёд маблағ сарфланди. Шарифа ая айтган сув муаммоси ҳам ўз ечимини кутарди. Бугун туғруқхонага Кумушкондан тортилган 56 километр узунликдаги қувурларда оқиб келаётган булоқ суви эса шифобахшлиги билан ҳам айни муддао бўлди.

Вилоят ҳокимлиги мажмуага қарийб 50 миллион сўмлик замонавий мебель жамланмаларини тақдим этди. «Саломатлик» дастури асосида Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан икки юз минг долларлик тиббий асбоб-ускуналар келтирилиши мўлжалланган бўлиб, бу жараён босқичма-босқич давом этмоқда.

**Равшан РУСТАМОВ.**



**СУРАТДА:** янгиланган муассасада туғилган яна бир соғлом чақалоқ.

**Даврон АҲМАД олган сурат.**

## УМУМТАЪЛИМ ФАНЛАР ОЛИМПИАДАСИ БОШЛАНДИ

**Пойтахтимизда юртимиз умумий ўрта таълим мактаблари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларининг умумтаълим фанлари бўйича республика олимпиадасининг якуний босқичи бошланди. У Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази ҳамкорлигида ташкил этилди.**

Тадбир бошланишидан аввал олимпиада иштирокчилари, уларнинг устоз ва мураббийлари, ота-оналари Мустақиллик майдонидаги муаззам обида – ҳурриятимиз, порлоқ истиқболимиз ва эзгу ниятларимиз рамзи бўлган Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гуллар қўйдилар.

Ҳаётга татбиқ этилаётган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ҳамда 2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурига асосан юртимизда янги ва замонавий билим масканлари барпо этилиб, уларнинг моддий-техник базаси мустаҳкамланмоқда, таълим мазмуни ва сифатини янада юксалтиришга алоҳида эътибор қаратилаётир. Давлат таълим стандартларини такомиллаштириш, ўқув дастурлари ва ўқув адабиётларини янгилаш ишлари самарали давом этмоқда.

Таълим соҳасига кўрсатилаётган бундай улкан эътибор ва ғамхўрлик ўқувчилар тафаккур ва дунёқарашининг янада кенгайиши, фанларни ўзлаштириш даражасининг ортишида муҳим аҳамият касб этаётир. Бу жиҳатлар навқирон ҳамюртларимизнинг халқаро миқёсдаги фан олимпиадалари, интеллектуал беллашувлар, кўрик-танловларда муваффақиятли иштирок этишига ҳам хизмат қилмоқда. Яқинда пойтахтимизда ўтган кимё фанидан 42-Менделеев номидаги халқаро олимпиадада ўзбекистонлик ўқувчиларнинг қўлга киритган ютуқлари бунинг ёрқин далилидир.

Жорий йил умумий ўрта таълим мактаблари, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ўқувчиларининг умумтаълим фанлари бўйича республика олимпиадасининг дастлабки босқичларида икки миллионга яқин ўқувчи иштирок этган бўлса, уларнинг уч юз нафари беллашувнинг якуний босқичида қатнашмоқда. Умумтаълим фанлари бўйича бу йилги олимпиаданинг ўзига хослиги – ўқувчиларнинг ўз билими, иқтидори ва салоҳиятини тўла намоён этиши учун имконият яратиш мақсадида ҳар бир фандан тест саволлари кўпайтирилди.

30 майгача давом этадиган фанлар олимпиадасида ўқувчилар ўз билимини синовдан ўтказиш билан бирга турли қизиқарли маданий-маърифий тадбирларда иштирок этиб, пойтахтимиздаги янги барпо этилган иншоотлар, тарихий меъморий мажмуалар, музейларни томоша қиладилар.

Умумтаълим фанлари бўйича республика олимпиадаси якуний босқичининг очилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р. Қосимов сўзга чиқди.

**Назокат УСМОНОВА, ЎзА мухбири.**

## ЧЕКИШГА ЧЕК ҚЎЙИШ КЕРАК

**"Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамғармасида "Бўлажак оналар ўртасида чекишнинг олдини олиш" лойиҳасининг тақдимоти бўлиб ўтди.**

Унда Республика акушерлик ва гинекология институти, Республика "Саломатлик" маркази, давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Тадбирда мутахассислар чекишнинг салбий оқибатлари хусусида сўз юритишди. Бундай ёмон иллатларга ёшлар ва хотин-қизлар қўшилиб кетмаслиги учун турли чора-тадбирлар ишлаб чиқиш лозимлиги айтиб ўтилди. "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамғармаси ҳамда "Бритиш Американ Тобакко Ўзбекистон" компанияси ҳамкорлигида ишлаб чиқилган ушбу лойиҳа оналик ва болаликни муҳофаза қилишга қаратилган.

**«Туркистон-пресс».**

Тадбир

## УСТУВОР ВАЗИФА

**Ўртачирчиқ туманида "Соғлом авлод – соғлом миллат таянчи" мавзуида давра суҳбати ўтказилди.**

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси вилоят кенгаши ташкил этган бу тадбирда мамлакатимизда соғлиқни сақлаш соҳасидаги ислоҳотларнинг дастлабки самаралари умумлаштирилди. Маърузачи ва нотиқлар аёллардаги кўкрак бези раки, унинг гўдаклар ўсиши ва аёллар саломатлигига таъсири билан боғлиқ муаммоларни бартараф этиш масалаларига урғу беришди. Мутахассис назоратини кучайтириш, тиббий кўрикларни мунтазам ўтказиш, витаминларга бой маҳсулотлар билан овқатланишни меъёрлаштириш бу касаллик олдини олишнинг муҳим шартлари эканлиги таъкидланди.

Маҳаллий кенгаш депутатлари ва партия фаоллари аёллар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш устувор вазифа бўлиб қолажаги ҳақида гапириб, шаҳар ва қишлоқларда маммологик марказлар ташкил этиш фикрини илгари суришди.

**Юсуф ЖУМАЕВ.**

## ИЛК БОР ЧОП ЭТИЛДИ

**Ўртачирчиқ туманидаги 28-мактаб таълим қозоқ тилида олиб борилаётган энг намунали билим масканларидан бири ҳисобланади. Ушбу даргоҳда қозоқ тили ва адабиётини ўқитишда орттирилаётган бой тажрибалар жойларда оммалаштирилмоқда.**

Қозоқ мактаблари учун "Адабиёт" дарслигини яратишда мазкур педагогик жамоанинг методик усуллари ҳам қўл келди. Дарслик муаллифлари билан уюштирилган давра суҳбатида билим ўчоғининг қозоқ тили ва адабиёти ўқитувчиси Мукаррам Темирова республикамизда биринчи бор чоп этилган мазкур дарслик таълим қозоқ тилида олиб борилаётган мактаблар учун навбатдаги ғамхўрликнинг ёрқин ифодаси бўлганлигини эътироф этди.

Қинғир ишнинг қийиғи

## ХИРСДАЙ ТЎЯМАН ДЕБ, ЎТДАЙ КУЙДИ

**ёхуд бебилиска бойлик орттираман, деб нафсига эрк берган кимсанинг боридан ҳам мосуво бўлгани ҳақида**

Мирзоҳид "Ўзбекистон темир йўллари" давлат акциядорлик компанияси таркибидаги ташкилотлардан бирида туппа-тузук ишлаб юрувди. Аммо, "ходимлар қисқариши" масаласи сабаб бўлди-ю, ишдан бўшатилди.



Нега энди у "қисқариш"га тушганлар қаторига қўшилиб қолди? Одатда...

Лекин, ҳозир гап бу ҳақда эмас, балки ишсиз қолгандан кейин бошланган машмашада. Ўзининг суд мажлисида айтган гапига қараганда, қисқаришга тушганидан сўнг, ҳар қанча уринмасин, иш тополмаганмиш. Наҳотки, ҳаммага бор иш Мирзоҳидга келганда топилмаса? Ахир ишламаса бўлмайди. Оиласи, вояга етмаган, аммо ейман деб турган уч фарзанди бор. Рўзғорбошимиз вақтинча ишсиз, деб оғизларини тикиб ўтиришолмайди-ку, улар.

Хўш, энди нима қилади?

Енгилнинг остию оғирнинг усти дегандек, кўнглига мос, тушуми ҳам баракалироқ иш топила қолмаяпти.

Мирзоҳид ана шу фикрўйда даромаднинг бебилискасини кўзлаб, бош қашлаб юрган пайтда маҳаллада миш-миш оралаб қолди. Мухитбек исмли бир йигит савдо билан шуғулланишни хоҳловчиларга четдан кийим-бош дегандек, турли хил молларни олиб келиб берармиш. Бу гапни эшитган Мирзоҳиднинг юраги ҳапқирди, бир жойда ўтиролмай қолди. Савдо дегани нима бўпти, ахир? Белини оғритмай, жонини койитмай, жарақ-жарақ пул топса ёмонми?

(Давоми 2-бетда).

Пилла – 2008

## БЎКАЛИКЛАРНИНГ ИЛК ҲОСИЛ ХИРМОНИ

**Бошидан пухта ўйлаб, аниқ режа асосида ташкил этилган ҳар қандай ишнинг пировард натижаси қувончли бўлади. Бўка тумани "Пилла" масъулияти чекланган жамияти раҳбар ва мутахассислари шуни ҳисобга олиб, бу йилги ипак қурти боқиш, ҳосилни вақтида тез териб ва қабул қилиб олиш мавсумига аввалдан ҳар томонлама жиддий тайёргарлик кўрдилар.**

Аввало, озуқа базаси, яъни умумий майдони 438 гектарли тутзору 6700 га яқин якка тут дарахтлари қанча барг бериши мумкинлиги ҳисоб-китоб қилиб чиқилди. Сўнгра уларнинг ҳолатига қараб, парваришга алоҳида эътибор қаратилди. Иккинчидан, мавжуд барг захираларига қараб, 3850 қути қурт уруғини парваришлаш режалаштирилди. Бунда туманда жами 3208 хўжалик пилла қурти боқиш имкониятига эга эканлиги ҳам ҳисобга олинди.



– Учинчидан, шунча қурт уруғини қандай тартибда парвариш қилсак маъқул бўлишини ҳам обдон ўйлаб кўрдик, – дейди масъулияти чекланган жамиятнинг пилла ҳосилоти Муҳаммад Султонов. – Чунки, режа бўйича ҳар қутисидан 52 килограммдан ҳосил олиб, камида 200 тонна пилла етиштиришимиз лозим. Шу боис бу йил янгича йўл тутдик. Яъни туманни аввал тўрт ҳудудга бўлиб, қурт уруғини уларга босқичма-босқич тарқатдик. Бунда биз пилла ҳосилининг ўша ҳудудларда олдинма-кейин пишиб етилиши, бинобарин уни териб олиш ва қабул қилишда ҳам шошиб қолмасликни назарда тутдик.

(Давоми 3-бетда).

## «МАШҲУРА»ГА ЯНГИ ТРАКТОРЛАР

**"Харьков трактор заводи"да ишлаб чиқарилаётган қишлоқ хўжалиги техникалари ҳамдўстлик давлатларида оммалашиб бормоқда.**

Улар юртимиз механизаторларига ҳам манзур бўлмоқда. Корхона савдо уйининг республикамиздаги ваколатхонасидан маълум қилишларича, ҳозир мамлакатимизда 530 та Харьков тракторлари ишламоқда.

Кейинги йилларда завод "ХТЗ-181" русумли янги агрегатини чиқара бошлади. Улар вилоятимиз фермер хўжаликлари эътиборини ўзига жалб этди. Паркент туманидаги "Машҳура" фермер хўжалиги "ХТЗ-181" русумли трактор харид қилиш учун шартнома тузди.

**Акобир АЛИМОВ.**

2008 йил учун обуна давом этмоқда «ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» газетасининг индекси – 205.



Анжуман

## ОЧИҚ МУЛОҚОТ

**"ОЛМАЛИҚ кон-металлургия комбинати" очиқ акциядорлик жамияти ахборот-коммуникация технологиялари бошқармаси ахборот хизмати ижодий ходимлари ташаббуси билан "Шаҳар кенгаши депутатлари ва ёшлар: муаммо, имконият ва имтиёз" мавзуида брифинг ўтказилди.**

Коллеж ўқувчилари, талабалар ва ёш мутахассисларнинг депутатлар билан бевосита мулоқоти очиқ ва ошкора руҳда ўтди. Шаҳар кенгаши раиси, ҳоким Абдурашид Зокиров Ёшлар йилида ижтимоий-иқтисодий жабҳаларда олиб борилаётган ишлар, ёшлар учун яратилаётган шароитлар ҳақида гапириб берди. Йигит-қизлар ўзларини қизиқтирган барча саволларга тегишли жавоб олишди.

**Ойсара ДАДАЕВА.**



**СУРАТЛАРДА:** брифингдан лавҳалар.

**Даврон АҲМАД олган суратлар.**

# ИНСОНПАРВАРЛИКНИНГ ҚОНУНИЙ ИФОДАСИ

**МУСТАҚИЛЛИКДА кечган 17 йил давомида демократик ҳуқуқий давлат ва эркин фуқаролик жамияти барпо этиш йўлида дадил қадамлар қўйилди. Бугун мустақилликни мустаҳкамлаш, давлат ва жамиятни демократлаштириш ҳамда эркинлаштириш борасида Ўзбекистон эришган улкан муваффақиятларни кўплаб ривожланган давлатлар эътироф этмоқда!**

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, бу ютуқларга эришишда шошма-шошарликка йўл қўйилмади ёки қайсидир давлатнинг қонунчилик механизми андоза қилиб, кўчириб олинмади. Айниқса, суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилишнинг мутлақо янги тамойили яратилди. Хусусан, соҳадаги ислоҳотларнинг муҳим босқичларидан бири – 2001 йилда Президентимиз Ислом Каримовнинг ғоялари асосида ва бевосита ташаббуси билан "Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Қонуни қабул қилинганлигидир. Шунингдек, жиноий жазоларни либераллаштириш сиёсатининг мантиқий давоми сифатида 2005 йил 1 августда Президентимизнинг "Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида"ги Фармони эълон қилинди ва у шу йилнинг январь ойидан кучга кирди. Ушбу муҳим ҳужжат халқимизнинг эзгулик ва меҳр-шафқат, бағрикенглик ҳамда кечиримлилик каби хислатларининг яна бир ёрқин ифодаси бўлиб, кейинги йилларда суд-ҳуқуқ соҳасидаги амалга оширилаётган ислоҳотларнинг янги сифат босқичини бошлаб берди.

Бугунги кунга келиб, дунё давлатларининг учдан икки қисмида ўлим жазоси қонун асосида бекор қилинган ёки амалда қўлланилмайди. Йилдан-йилга дунёда ўлим жазосидан воз кечаётган давлатлар сафининг ортиб бориши кузатилмоқда. Жумладан, 1990 йилдан ҳозирга қадар 45 дан ортиқ давлатларда ўлим жазоси бекор қилиниб, уларнинг сони 80 дан ошди.

Мамлакатимизда ўлим жазоси бекор қилиниши муносабати билан ўтган йили Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексида белгиланган жазо тизимидан ўлим жазоси чиқарилиб, янги жазо тури сифатида умрбод озодликдан маҳрум этиш жазоси киритилди. Шунингдек, жиноят қонунчилигида узоқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш тушунчаси берилган.

Қонунда умрбод ёки узоқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазолари фақатгина жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда – қасддан одам ўлдириш ва терроризм жиноятларини содир этган шахсларга нисбатан тайинланиши мумкинлиги белгилаб қўйилган.

Айни пайтда инсоний қадриятлар ва инсонпарварлик тамойиллари асосида бу жазолар аёлларга, ўн саккиз ёшга тўлмасдан жиноят содир этган шахсларга, олтмиш ёшдан ошган эркакларга нисбатан тайинланиши мумкин эмаслиги назарда тутилган.

Умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазосининг жиноий жазолар тизимига киритилиши жиноят ижроия қонунчилигида ҳам айрим ўзгаришларга олиб келди.

Хусусан, умрбод озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган маҳкумлар жазони махсус сақлаш шароитларига эга бўлган қатъий тартибли колонияларда ўташлари белгиланган. Қайд этиш лозимки, бу тоифадаги маҳкумларни жазони ижро этиш муассасаларида сақлаш шароитларини белгилашга қаратилган қонун меъёрлари халқаро ҳуқуқ нормаларига риоя этилган ҳолда ишлаб чиқилган...

Давлатимиз томонидан олиб борилаётган бундай кенг қамровли ва инсонийлик туйғуларини ўзида тўла мужассам этган, узоқни кўзловчи ислоҳотлар халқимиз фаровонлиги ва тинчлиги ҳамда эркин ҳаёт кечиришларига қаратилгандир.

Биз, ҳуқуқшунослар эса давлатимиз томонидан қабул қилиниб, ҳаётга татбиқ этилаётган ҳуқуқий меъёрларни халқимизга тушунтириб боришимиз, уларнинг ўз ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишларида яқин кўмакдош бўлишимиз лозим.

**Жамила ҚОДИРОВА,**
**давлат нотариуси.**

**ТОШКЕНТ туманидаги "Тош-Тўлабей" агрофирмаси ҳудудидаги аксарият фермер хўжаликлари мевани қайта ишлашни кенг йўлга қўймоқда.**

## ОЛТИ ЮЗТА ХОНАДОН ТЕЛЕФОНЛИ БЎЛДИ

Қадоқланган томат пастаси, турли хил тузламалар, мева шарбатларидан эндиликда қўшни республикалар аҳолиси ҳам баҳраманд бўлмоқда.

Олинаётган юқори даромад туфайли фермер хўжаликлари аъзоларининг маиший шароитлари мустаҳкамланиб бормоқда. Яқинда ҳудуддаги 600 та хонадонга телефон ўтказилди. Бу жараён Тошкент шаҳар телефон тармоғига уланган мини АТС орқали амалга оширилди.

**Акбар АЛИЕВ.**

2008 йил – Ёшлар йили






**АНГРЕНДАГИ академик лицей таълим тизимида ислоҳотларни чуқурлаштириш, ўқув-тарбия ишлари жараёнида янги педагогик технологиялардан омилкорлик билан фойдаланиш, истеъдодли ёшларни кашф этиш ва сафини кенгайтириш каби мақсадли йўналишларда нуфузли ташкилотлар ҳамда илмий марказлар билан ҳамкорликда иш юритмоқда.**

# ИСТИҚБОЛГА ИНТИЛИБ

... Эрталаб ишга келган лицей директори Муҳаммаджон Эшонқуловни котиба қиз телефонда Россия ташқи ишлар вазирлиги халқаро илмий ва маданий алоқалар марказининг Тошкентдаги вакили Раъно Саъдуллаева йўқлаётганини айтди.

– Салом, Раъно Иномжоновна. Сизга катта раҳмат, – деди телефонда директор. – Ўлкашунослик музейи анжуман қатнашчиларида ажойиб таассуротлар қолдирган экан, бундан хурсандмиз. Дарвоқе, шу йил ўзбек ва рус халқлари тарихини чуқур ўрганиш мақсадида ўтказиладиган анъанавий анжуман иштирокчилари ҳам ўз маърузаларини тавсия қилаяптилар. Унда қатнашиш ҳақидаги таклифимизни рад этмайсиз деган умиддамиз.

Шу куни дарсдан кейиноқ директорнинг маънавият ва маърифат ишлари бўйича ўринбосари Бахтинисо Йўлчиева бошчилигида иқтидорли ёшлар билан ишлаш маркази раҳбари, унинг аъзолари, мутахассис ўқитувчилар ва ўқувчилар залга йиғилишди. Анъанавий анжуманнинг мақсад ҳамда вазифалари юзасидан атрофлича тушунча берган М. Эшонқулов 2006-2007 ўқув йилида вилоят олимпиадасида ғолиб чиққан ёш тарихчи М. Қаюмовнинг «Тарихий жараёнларда миллий қадриятларнинг қарор топиб бориши ҳамда Ўзбекистон ҳудудида қадимги давр одамлари манзиллари» мавзуидаги маърузасини мисол қилиб келтирди.

– Ҳар йили фанлар бўйича анъанавий илмий анжуманлар ўтказилади, – дейди директор. – Масалан, ўтган йили ёш адабиётчиларимиздан Раҳмон Абдуллаев, Мирзоҳид Мансуровнинг «Бадиий адабиётда миллий истиқлол ғояси», информатика бўйича Петр Исаковнинг «Дастурлаштириш асослари» мавзуларидаги маърузалари ҳайъат томонидан юқори баҳоланди.

Албатта, изланишда ижобий натижага эришиш ўз-ўзидан бўлмайди. Ўқитувчиларнинг билим ва тажрибаларини ошириш учун илмий марказлар, шунингдек, нуфузли университетлар, Ўзбекистон Фанлар академиясининг кибернетика, математика, фалсафа, ҳуқуқ, физика-техника, тил ва адабиёт каби илмий-тадқиқот институтлари билан ҳамкорлик шартномалари тузилган.



Коллежда инглиз тилини чуқур ўргатиш бўйича Англиянинг Ўзбекистондаги элчихонаси билан ҳамкорлик қилинаётир. Чунки, лицейда таржимон-тарбиячи йўналишида ҳам ўқитилаяпти. Ҳозирги кунда инглиз тилидан сабоқ берувчи иқтидорли ўқитувчи Г. В. Нам Америкадаги университетлардан бирида малака ошираяпти. Ўтган йилнинг охирида элчихона инглиз тилини мукаммал ўрганувчилар учун алоҳида адабиётлар тақдим этди. Ҳозир мазкур қўлланмалар асосида мавзу доирасидаги услубий тавсиялар ишлаб чиқилмоқда.

Лицей фаолиятидаги ютуқлар замирида истиқболли режалар юз очаяпти. Ёшлар йилида замонавий ўқув биноси қошида икки юз ўринга мўлжалланган ўқувчилар ётоқхонаси қад кўтаряпти. Ҳудуддаги қўшимча майдонлар ўзлаштирилиб, баҳорда мевали боғ ҳам барпо этилди.

**Мунаввара ИСОҚУЛОВА,**
**«Тошкент ҳақиқати» мухбири.**

**СУРАТЛАРДА:** лицей ҳаётидан лавҳалар.

**Муаллиф олган суратлар.**

**Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги Абдулла Авлоний номидаги халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш марказий институтида 2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури асосида малака ошириш сифати ва самарадорлигини юксалтиришнинг долзарб масалаларига бағишланган республика илмий-амалий конференцияси бўлиб ўтди.**

## МАЛАКА ОШИРИШ УСУЛЛАРИ

Унда мазкур институт ректори Ж. Йўлдошев Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан қабул қилиниб, ҳаётга изчил татбиқ этилаётган 2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури таълим сифатини юксалтириш, Ватанимиз тақдири, бугуни ва келажаги учун масъулиятни ҳис этадиган, мустақил ва янгича фикрлайдиган кадрларни тайёрлашга хизмат қилаётганини таъкидлади.

Дастурда мактабларни тубдан таъмирлаш, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, таълим мазмуни ва сифатини такомиллаштириш, педагог кадрларнинг касб малакаси ва маҳоратини юксалтириш алоҳида йўналиш сифатида белгиланган. Ҳаётга изчиллик билан татбиқ этилаётган "Ёшлар йили" Давлат дастурида ҳам ушбу масалага алоҳида аҳамият қаратилган.

Мактабларда 454 минг нафардан зиёд педагог кадр фаолият олиб бормоқда. Уларни қайта тайёрлаш, ўзаро фикр ва тажриба алмашиши, илғор тажрибани ўрганиши учун барча шароит ва имкониятларни яратиш муҳим аҳамиятга эга. Малака ошириш институтлари фаолиятини такомиллаштириш, улардаги ўқув сифати ва самарадорлигини юксалтириш, масофадан малака оширишни кенг жорий этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айни пайтда мазкур институтларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, малака ошириш жараёнига юртимиздаги нуфузли олий таълим даргоҳлари, "Истеъдод" жамғармаси, бир қатор маънавий-маърифий муассасаларни кенг жалб этиш доимий диққат-эътиборда.

**ЎзА.**

# «ЎЗИМИЗ ҚУРАМИЗ, БЕЗАЙМИЗ, ЯШАЙМИЗ!»

**«ЎЗМЕТКОМБИНАТ» акциядорлик ишлаб чиқариш бирлашмаси меҳнат жамоасининг бугунги аҳди шундай**

– Ҳаётимиздаги янгиланишлар, чуқур ислоҳотлар, кенг кўламли истиқбол лойиҳалари ўз корхонамизга, меҳнатимизга ўзгача назар ташлашга ўргатди, – дейди катта уста Эдуард Нуриддинов. – Энди биз иш жойларимиз қандай эканлигига, цехлар орасидаги ўйдим-чуқур майдонларга, йўл бўйларида уюлиб ётган қурилиш чиқиндиларига бефарқ қарай олмаймиз. Йўлаклар бўйлаб атиргуллар очилиб туришини, завод ҳовлисига кириб келганимизда арчалар ёқимли ҳид таратиб туришини истаб қолдик...

Цехлар ва ишлаб чиқариш участкаларини айланиб юриб, кекса металлургдан эрталаб эшитган шу сўзларни бот-бот эсладим. Кеча ташландиқ бўлиб ётган майдонларни бугун таниёлмайсиз: янги тупроқ тўкилиб, чуқурлар текисланган, тўғри ариқлар олиниб, арча ораларига атиргул кўчатлари экилган.

Корхона ҳовлисига кираверишда «Прокатчилар проспекти» лавҳасига кўзингиз тушади. Икки томонида янги экилган мевали ва манзарали дарахт кўчатлари барг ёзиб турган бу проспект электрда пўлат эритувчилар проспектига бориб туташади. 2-пўлат эритиш цехи олдида фаввора сув отиб турибди. Йўлнинг у бетида эса янги лойиҳа бўйича фавворалар шодаси қурилаяпти. Цехга кираверишда қишки боғ катта-катта хоналарни эгаллаган.

– Бу кўклам корхонамиз ишчи-хизматчилари цех ва ишлаб чиқариш участкалари оралиғидаги майдонларни кўкаламзорлаштиришда алоҳида ғайрат кўрсатишди, – деди касаба қўмитаси раиси Илҳом Қурбонов. – Дастлабки бир ойда жами 5 гектар майдон кўчат экишга тайёрланди. Унинг 1,2 гектарига унумдор тупроқ ташиб келиб, ётқизилди. 12 минг дона атиргул, 1470 туп манзарали дарахт кўчатлари экилди.

Дарҳақиқат, бугун «Ўзметкомбинат» акциядорлик ишлаб чиқариш бирлашмасининг ҳудуди мутлақо янгича кўринишга эга. Йўл бўйлари юмшатилиб, ариқлар олинди, мавсумий гуллар экилди. 10 минг метр узунликда янги суғориш шохобчалари барпо этилди.

Умуман, кейинги йилларда корхонада ишловчилар, уларнинг оила аъзоларини соғломлаштириш ва дам олдириш, бошқа ижтимоий, маданий-маиший ва спорт иншоотлари қурилиши кенгайиб бормоқда. Мустақиллик йилларида 60 минг квадрат-метрдан кўпроқ уй-жой фойдаланишга топширилди. Ёшлар йилида металлурглар шаҳрининг 13-кичик мавзесида ёш оилалар учун ҳар бири 32 хонадонга мўлжалланган иккита уй қуришга киришилмоқда. Бекобод шаҳрида чойхоналар, қаҳвахоналар қурилди, Сирдарё соҳили ободонлаштирилди, корхонага кираверишда арчазор ва қарағайзорлар барпо этилди.

– Корхонамиз қанчалик файзли бўлса, меҳнат кўнгилли, ишларимиз унумли бўлади, – деди кекса металлург. – Биз чин маънода ўзимиз учун меҳнат қилаётганлигимизни англаб етдик. Шу боис теварак-атрофимизни гўзаллаштириб, яшнатиб яшаш ва ишлашга иштиёқимиз кучаймоқда.

**Жўрабек МУРОДОВ.**

## ҲАМ СИФАТЛИ, ҲАМ АРЗОН

**ОПТИК ТОЛАЛИ алоқа линиясини ўрнатиш темирйўл тармоғида муҳим техникавий аҳамият касб этмоқда. "Ўзбекистон темир йўллари" давлат акциядорлик компанияси буни инобатга олиб, яна бир янги лойиҳани амалга оширишга киришди.**

Компаниянинг сигнализация ва алоқа маркази қисқа вақт ичида Келес-Тошкент-Бухоро темир йўли оралиғида 690 километрли оптик толали алоқа линияси ўрнатди. Мисли кабелларни тежаш туфайли компания катта миқдорда иқтисодий фойда кўрди.

**Али АКБАРОВ.**

## МУҲИТ ЯНАДА ЯХШИЛАНАДИ

**Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов раҳнамолигида инвестиция сиёсатининг изчил амалга оширилаётгани, яратилган қулай имтиёз ва преференциялар тизими туфайли иқтисодиётимизга жалб этилаётган хориж инвестицияси ҳажми тобора ошмоқда.**

Хорижий инвестицияларнинг экспорт ҳажмидаги улуши ўтган йили 60 фоизни ташкил этди. Инвестиция иқтисодиётимиздаги барқарорлик, таркибий ва сифат ўзгаришларини белгиловчи муҳим омиллардан бирига айланди.

Мамлакатимиз Адлия вазирлигида ташкил этилган "Ўзбекистон Республикасида хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг фаолияти: амалиёт ва муаммолар" мавзуидаги семинарда бу борада амалга оширилаётган ва ҳал этилиши зарур вазифаларга эътибор қаратилди.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо, Молия, Иқтисодиёт вазирликлари, Давлат божхона ва давлат солиқ қўмиталари, Савдо-саноат палатаси, Олий хўжалик суди, "Ўзинфоинвест" агентлиги, хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар вакиллари қатнашган тадбирда бундай ҳолларга йўл қўймаслик учун соҳага оид меъёрий ҳужжатлар ва уларни амалда қўллашда учраётган муаммоларни бартараф этиш юзасидан таклифлар билдирилди.

**Норгул АБДУРАИМОВА,**
**ЎзА мухбири.**

Қингир ишнинг қийиғи

# ХИРСДАЙ ТЎЯМАН ДЕБ, ЎТДАЙ КУЙДИ

Қанча вақтдан бери "тайинли" иш тополмай юрган Мирзоҳид негадир, умрида кўрмаган, етти ёт бегона Мухитбекни тезда топа қолди. Топди-ю, дардини достон қилиб ёйди:

– Мўмайроқ пул тушадиган иш тополмай, қийналиб кетдим, рўзғорнинг ҳам мазаси қочди. Менга ўхшаган ночорларга у-бу мол олиб келиб бериб, қўллаётган экансиз... Аммо, менинг нақд берадиган пулим йўқ қўлимда. Агар...

– Ҳечқиси йўқ, – деди ўз "иши"нинг устаси фаранг бўлиб кетган Мухитбек гўё одамгарчилик қилаётгандек. – Молларимнинг пулини сотиб бўлганингиздан кейин берсангиз ҳам бўлаверади.

Омади келганидан босар-тусарини билмай қолган Мирзоҳид "халоскор"ига қайта-қайта қуллуқ қилиб, хайрлашди-ю, унинг мол олиб келишини сабрсизлик билан кута бошлади. Мухитбек у ўйлаганидан ҳам саховатпеша чиқиб қолди. Келишиб олганларига икки кун ҳам бўлмай, Мухитбек унинг қўл телефонига қўнғироқ қилиб, юкларни олиб келганлигини айтди. Мирзоҳид у айтган жойга қанот боғлаб учди.

У молларни кўриб, кўзларига ишонмади. Бунақасини умрида кўрмаган, молмисан-мол, сифатига гап йўқ. Ўзиям 79 хил, умумий қиймати 37 миллион сўмликдан кўпроқ 10 865 дона чет элда ишлаб чиқарилган аёллар ва болалар кийим-кечаклари. Бозорбоп, харидоргир, савдоси чаққон бўлишига шубҳа йўқ.

"Кўрмаганнинг кўргани курсин" деганларидек, Мирзоҳиднинг кўзларига бу молларни "Отчопар"у "Чорсу" бозорларида сотишдан келадиган даста-даста пуллардан бошқа нарса кўринмай қолди.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ҳатто, ёнида "қойилмисан?" дегандек, гердайиб турган "ҳожатбарор" Мухитбекни ҳам унутди.

– Бу моллар чегарадан қандай олиб ўтилганини тушунсангиз керак?

Мухитбекнинг бу гапи Мирзоҳиднинг ҳушини ўзига келтирди. Дарвоқе, шунча молни қаерга, қандай қилиб яширади? Қўлида тадбиркорлик билан шуғулланиш учун махсус рухсатномаси бўлмаса... Ахир Қозоғистондан қинғир йўллар билан олиб кирилган бу сара моллар, Худо кўрсатмасин, қўлга тушиб қолса, бошига бало бўлиб, қолган умрини азобга айлантириши мумкин-ку. Нима қилиб бўлса ҳам бир иложини топиш керак.

У таваккал қилди. Шу яқин-атрофдаги янги қурилган уйлардан бирининг эшигини қоқди. Дарвозани чамаси 6 ёшлардаги қизча очди ва уйда ўзидан бошқа ҳеч ким йўқлигини айтди. "Бир ҳисобда шундай бўлгани ҳам маъқул, – ўйлади Мирзоҳид. – Катта ёшдаги одам шунча молни, бунинг устига мутлақо нотаниш одамга бир-икки кун сақлаб туришга розилик берармиди?"

Хуллас, алдагани бола яхши дегандек, юк Тошкент тумани М. Фозилов кўчасидаги уй ҳовлисининг бир четига туширилиб, тахлаб қўйилди. Молини осонгина саранжомлаган Мухитбек, кўнгли хотиржам бўлиб, Қозоғистонга қайтиб кетди. Йўқ ердан, бунинг устига насияга шунча молли бўлиб қолган янги "тадбиркор" эса, уларни бехавотир жойга яшириб олиб, тезроқ пуллаш пайига тушди.

Бироқ у қонунбузарлик асосига қурилган ғаразли мақсадига эриша олмади. Тезроқ бирор тайинли ишнинг бошини тутишга бўйни ёр бермай, енгил йўл билан мўмай бойлик орттиришдан иборат бўлган ножўя орзуси саробга айланди.

Тошкент тумани прокуратураси ҳузуридаги солиқ ва валютага оид жиноятлар, жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш бўлимига Ғ. Умаров номидаги фермерлар уюшмаси ҳудудида яшовчи М. Айдаралиеванинг уйида чет элда ишлаб чиқарилган кўп миқдордаги товар-моддий бойликлар ҳеч қандай ҳужжатларсиз сақланаётгани ҳақида хабар келди. Бўлимнинг тезкор ходимлари зудлик билан ҳаракатга тушдилар. Бироқ, М. Айдаралиева бу юклар ўзиники эмаслигини, ҳатто, кимга тегишли эканлигини билмаслигини маълум қилди.

Ҳақиқатан ҳам хонадон соҳибаси юк эгасини танимас эди. Юқорида таъкидланганидек, воқеа 6 яшар қизини ёлғиз қолдириб, шифохонада даволанаётган бетоб турмуш ўртоғини кўргани кетган пайтда содир бўлган эди. Аммо, мол эгасини топиш узоққа чўзилмади. У ўз оёғи билан келди. "Мол аччиғи – жон аччиғи" деганлари шу-да. 37 миллион сўмлик молидан ажралаётганидан ичи куйиб турган кишининг кўзига суднинг қора курсиси кўринармиди?!

Мирзоҳид аввалига жанжал кўтарди, давлат органи ходимларига ўз сўзини ўтказишга уринди. Ҳунари ўтмагач, бензин кўтариб, кийим-кечаклардан иборат юкларни ёқиб юбормоқчи бўлди. Лекин, қонун учун бундай талвасаларнинг мутлақо таъсири йўқ. Қонун, бу – Қонун. У ҳамма учун баравар. Одил судлов ҳар қандай вазиятда ҳам қонунга таянади, фақат ва фақат унга амал қилади.

Жиноят ишлари бўйича Тошкент тумани суди айбланувчи ҳамда суд жараёнида гувоҳ сифатида сўроқ қилинган шахсларнинг берган кўрсатмалари, шунингдек, ашёвий далил сифатида олиб қўйилган молларни ҳисобга олиб, Мирзоҳид Оқиловни жуда кўп миқдордаги товар-моддий бойликларни божхона назоратидан яшириб, декларациясиз четдан Ўзбекистон ҳудудига олиб ўтганликда айблади. Жазо тайинланганда эса, айбланувчининг ўз айбига тўлиқ иқрор бўлгани ва бу ишидан пушаймон эканлиги, муқаддам судланмаганлиги, оилавий ва моддий шароити ҳам ҳисобга олинди, албатта. Бироқ, судланувчининг ижтимоий фойдали меҳнат билан шуғулланмай, кўп миқдордаги товар-моддий бойликлар Қозоғистондан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига ноқонуний йўл билан олиб кирилганлигини била туриб, қасддан жиноят содир этганлигини ҳам инобатга олиб, уни беш йил муддатга озодликдан маҳрум этиш, ноқонуний молларни эса давлат эгалигига ўтказиш, яъни мусодара қилиш ҳақида ҳукм чиқарди.

Шундай қилиб, ортиқча жон койитмай, енгил-елпи йўллар билан ноқонуний бойлик орттиришдан иборат яна бир жиноий иш мантиқий якун топди. Гапга шу ерда нуқта қўйиш мумкин эди. Аммо, ушбу суд мажлисининг Тошкент тумани, Ғ. Умаров номидаги фермер уюшмаси идораси биносида очиқ тарзда ўтказилганлиги айни муддао бўлганлигини алоҳида таъкидлаш ўринли деб ўйлаймиз. Чунки, суд мажлисида жуда кўп маҳаллий аҳоли вакиллари иштирок этди. Айбланувчи ҳам, гувоҳлар ҳам, залда ўтирган барча иштирокчилар ҳам бир-бирларини танийдиган, биладиган одамлар. Улар суд жараёнига бевосита гувоҳ бўлдилар, ноқонуний бойлик орттиришга уриниш пировардида қандай оқибатларга олиб келишини ўз кўзлари билан кўрдилар. Бинобарин, ушбу суд якунидан ҳар ким ўзига тегишли хулоса чиқариб олган бўлса ажаб эмас.

**Абдусамад ЙЎЛДОШЕВ,**
**«Тошкент ҳақиқати» мухбири.**

**Ўзбекистон Бадиий академияси "Sen Yolg'iz Emassan" Республика жамоатчилик болалар жамғармаси кўмагида ўтказган ЮНЕСКОнинг Самарқанд шаҳри 2750 йиллигига бағишланган юбилей медали эскизини тайёрлаш бўйича танлов якунланди.**

# ИЖОДИЙ ТАНЛОВ ЯКУНЛАНДИ

Шу муносабат билан "Sen Yolg'iz Emassan" Республика жамоатчилик болалар жамғармасида бўлиб ўтган ғолибларни тақдирлаш маросимида турли вазирлик ва идоралар раҳбарлари, мусаввирлар, жамоат ташкилотлари, дипломатик корпус ва халқаро ташкилотлар вакиллари иштирок этди.

Тадбирда таъкидланганидек, Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида юртимизда миллий анъана ва қадриятларимизни эъзозлаш, ноёб маънавий меросимизни асраб-авайлаш, кўп асрлик тарихга эга шаҳарларимизнинг юбилей саналарини нишонлаш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли эзгу ишлар халқимиз, айниқса, ёшлар қалби ва онгига ватанпарварлик, истиқлол ғояларига садоқат туйғуларини чуқур сингдиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда. Бухоро, Хива, Самарқанд, Қарши, Шаҳрисабз каби тарихий шаҳарларимизнинг юбилейлари кенг нишонлангани бунинг ёрқин далилидир.

Ўзбекистон Бадиий академияси томонидан "Sen Yolg'iz Emassan" Республика жамоатчилик болалар жамғармаси кўмагида ўтказилган ушбу ижодий танловда юртимизнинг барча ҳудудларида фаолият кўрсатаётган эллик нафардан ортиқ рассом ўзининг уч юздан ортиқ эскизи билан иштирок этди.

ЮНЕСКОнинг "Самарқанд" махсус юбилей медали рўйи замин сайқали номини олган қадимий шаҳарнинг 2750 йиллик юбилейига бағишланади. Айни пайтда ушбу медаль ЮНЕСКОнинг йирик тарихий саналар ва юбилейларга аталган "Юбилейлар ва тарихий воқеалар" медаллари туркумига киритилгани эътиборлидир.

Танлов натижасига кўра, Ўзбекистон Бадиий академияси Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти ўқитувчиси Серик Пирматовнинг эскизи энг яхши, деб топилди. Шунингдек, Бадиий ижодкорлар уюшмаси аъзолари Акром Баҳромов, Анвар Мамажонов, рассом Андрей Абдулов, Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти талабаси Нигора Юсупованинг ижодий ишлари ҳам алоҳида тақдирланди.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири.**

## Bolalik bog`i

### TABIATNI ASRAYLIK

*Tabiatni sev, do'stim,*
*Nabototga tegmagin.*
*Gullagan daraxtlarning*
*Shoxlarini egmagin.*

*Turfa nihollar ekib,*
*Yurtimizni obod qil.*
*Ey, baxtiyor tengdoshim,*
*Gaplarim quloqqa il.*

*Shunda bizdan boshqalar*
*O'rnak, ibrat oladi.*
*Xalqda hikmat bor axir:*
*Yaxshidan nom qoladi.*

### KO'K SOMSA

*Ariqlarning labidan*
*Terdik jag'-jag' va yalpiz.*
*Momaqaymoq gulidan*
*Chambarak yasadik biz.*

*Ismaloqlar ham terdik,*
*So'ng oyimizga berdik.*
*Tandir tomon chopdilar,*
*Ko'k somsalar yopdilar.*

*Ko'k somsalardan yedik,*
*Oyimga rahmat dedik.*
*Juda shirin va xushta'm,*
*Kelib, yeb ko'ring siz ham!*

### JALA

*Osmon birdan qorayib,*
*Asablari torayib,*
*Qaldiradi qaldiroq,*
*Bilsam, momaqaldiroq.*

*Ovozi bor, o'zi yo'q,*
*Bizlarga urgandek do'q,*
*Yerni solar larzaga,*
*Atigi bir lahzaga.*

*Osmon bag'rini quchib,*
*Goh yonib, goho o'chib,*
*Dengizdayin mavjlanib,*
*Chaqmoq chaqar avjlanib.*

*Sira qo'rqmang, bolalar,*
*Qo'rqmang amma, xolalar,*
*Sho'x chaqmog'u guldirak*
*Jala, yomg'irdan darak!*

### SUV

*Tog'-toshlardan oshadi,*
*Bog'-rog'larga shoshadi,*
*Ariqlarda sharqirab,*
*Qo'shiq bo'lib oqadi.*

*Suv bilan yashnar dala,*
*Ochilar paxta, lola.*
*Suv erur obihayot,*
*Suv bilan tirik hayot.*

*Ekinlarni yayratib,*
*Xursand qilar dehqonni.*
*Tabiatni yashnatib,*
*Quvontirar insonni.*

***Nasiba AHMADJONOVA,***
***Yangiyo'l.***

## Бу қизиқ



### ОВОЗГА ТАСАННО

**Кубада бўлиб ўтган мусиқий марафонда маҳаллий санъаткорлар узоқ вақт давомида тўхтовсиз қўшиқ айтиш бўйича янги рекорд ўрнатди, деб хабар беради РАТА-ТАСС.**

Кубалик хонандалар румба йўналишида ўн икки кундан ортиқ вақт давомида тинмай қўшиқ куйлаб, "Гиннеснинг рекордлар китоби"га киришга муваффақ бўлди. Маълумотларга қараганда, икки ҳафта давом этган мазкур марафонда йигирмага яқин мамлакатдан юзга яқин вакил иштирок этган.

**ЎзА.**

## Шеърият

*Маҳмуд ТОИР,*
*Ўзбекистон халқ шоири*

# БИР САТР БЎЛСА ҲАМ ЭЛИМ ДЕБ АЙТГИН



### НАСИБА

*Армонни хуш кўрмас орзулар,*
*Қувончни қамчилар қайғулар,*
*Қозонда қайнамас туйғулар,*
*Ризқ излаб югурма зиёда,*

*Насибанг бут бўлсин дунёда.*
*Ким учун хуш таом бурда нон,*
*Ким учун етмайди ботмон дон,*
*Шукрингдан тополсанг агар шон,*

*Шодлигинг шоналар самода,*
*Насибанг бут бўлсин дунёда.*
*Хуш ният хуш ишнинг бошидир,*
*Текин ош таънанинг тошидир,*

*Миннатлар кўзингнинг ёшидир,*
*Жонларинг қоврилгай жафода,*
*Насибанг бут бўлсин дунёда.*
*Ёшликнинг ёди ҳам ёндирар,*

*Ҳуснингни кўзгулар олдилар,*
*Мажнунлар фироқдан толдилар,*
*Кексалик қадри хуш дуода,*
*Насибанг бут бўлсин дунёда.*

*Баҳорни соғинсанг ёз йўқлар,*
*Кузнинг кўрки кўзлари тўқлар,*
*Қишда қадрин оширар чўғлар,*
*Тилагинг топилар Худода,*
*Насибанг бут бўлсин дунёда.*

### БАХТНИНГ ТАЪМИ

*Муҳаббатнинг меҳроби дилда экан,*
*Айрилиқнинг ғам сози қўлда экан,*
*Еллар менга шивирлаб етказдилар,*
*Бизни йўқлаб чиққан ёр йўлда экан.*

*Биз йўлига соғинчдан шамлар ёқдик,*
*Қувончимиз қалқитди селдек оқдик,*
*Келаётган бахтингни бағрингга бос*
*Деди юрак, кўкларда чақмоқ чақдик.*

*Юзин очмай ёндирар офтобми ёр,*
*Дилга қандай нур кирар моҳтобми ёр,*
*Дастагина гул тутсак айтмиш кулиб,*
*Гулга гулни ким тутар ахир такрор.*

*Қўллардаги гулимиз дийдор шами,*
*Хуш нигоҳлар туташса дил малҳами,*
*Энди юз йил тамшанса арзир, Маҳмуд,*
*Шунча ширин бўлурми бахтнинг таъми.*

### ВАФО

**(Рафиқамга)**

*Тақдир тутган болиш бошимиздадир,*
*Умр эллик ошиб ёшимиздадир,*
*Биз бахтнинг ортидан қувиб юрмадик,*
*Бахт ўзи жилмайиб қошимиздадир.*

*Энг аввал тангрига бўлсин шукримиз,*
*Узилмай турибди нону тузимиз.*
*Набира новвотдек ширин бўларкан,*
*Кўздаги гулимиз, ўғил-қизимиз.*

*Мен-ку бу дунёда кўча одами,*
*Гоҳ парвона қилар битта шеър шами.*
*Қўлларинг косовдир, сочинг супурги,*
*Жонингни чимчилар рўзғорнинг ғами.*

*Онам теграсида жон тиккан ўзинг,*
*Битта хуш шеъримга шон тиккан ўзинг,*
*Шоирга райҳонлар илҳомбахш деса,*
*Ҳовлига чўк тушиб гул экккан ўзинг.*

*Умрим чироғисан, ўзинг билмаган,*
*Кўзим қароғисан, кўзинг билмаган,*
*Бунчалар тийиқсан, бунча тортинчоқ,*
*Севдим деган сўзни сўзинг билмаган.*

*Ҳаётим гулзори, гул чеҳрам ўзинг,*
*Кўнглимнинг нурзори, нур чеҳрам ўзинг,*
*Мен дардим дасталаб битта шеър битдим,*
*Гул ўрнида олгин, Гулчеҳрам ўзинг!*

### ЯХШИЛИККА КЕЛГАНМАН

*Оқил одам аждодин ёдин сира унутмас,*
*Авлодини ўйлаган бешикларин бўш тутмас.*
*Эшик очиб бахтини, айтинг, ахир ким кутмас,*
*Ўйламангки оламга бахшиликка келганман,*

*Ниятларим аввали яхшиликка келганман.*
*Бир майсага бўй бўлсам, бир ниҳолга томчи сув,*
*Кафтларимга қуш қўнса, ёдига келмай қўрқув,*
*Ёмон кўрганим ғафлат, ёмон кўрганим уйқу,*

*Уйғотгувчи насимдек мен ҳам тонглар елганман,*
*Бу дунёга аё, дўст, яхшиликка келганман.*
*Тиниқ осмон кўрмадим, Ватаним самосидек,*
*Ҳар сўз мени балқитмас онамнинг дуосидек,*

*Ҳеч сўз дилим тилолмас ҳикматнинг зиёсидек,*
*Навоий навосидан туғёнларга тўлганман,*
*Шеъримда шарбат тутиб яхшиликка келганман.*
*Атиргул армонини тикон тиғида тутар,*

*Шайтонфеъл ёлғонини сохта йиғида тутар,*
*Мардлар элнинг шонини кўкда туғида тутар,*
*Тақдир отган тошига кўп бор тикка келганман,*
*Асрагувчи ҳақ бўлсин, яхшиликка келганман.*

*Менинг ҳам орзуларим кўксимда гуллаб ётар,*
*Менинг ҳам армонларим бағримга тошдек ботар,*
*Тирик одам талпинса, умидли тонглар отар,*
*Йўлимдаги янтоқдек ёмонликни юлганман,*
*Маҳмуд, баҳри булоқдек яхшиликка келганман.*

### ДЕЙМАНКИ

*Тўкилган қум сиғмагайдир саноққа,*
*Ким ҳавас қилибди букри ўроққа,*
*Талпинмаган борми тунда чироққа,*
*Ҳар неки яралди, аввали бордир,*

*Ўрнини билмаган тўрда ҳам хордир.*
*Ким агар бўлибди ҳикмат эгаси,*
*Ҳам яна бўлгайдир ҳурмат эгаси,*
*Чиннига чироймас тушган чегаси,*

*Кўзгуга кўз тушса ҳар ким яйрамас,*
*Қаҳр қафасида зоғ ҳам сайрамас.*
*Бизни бемор деган бир бедор бўлсин,*
*Бедорлик дардида бир бемор бўлсин,*

*Бўй-баст ҳар кимда бор, вале ор бўлсин,*
*Кимки ҳақ йўлинда бир оҳ урмишдир,*
*Билсинки, қошида Оллоҳ турмишдир.*
*Ёшлик бу умрнинг чақмоғи экан,*

*Кексалик армоннинг тўқмоғи экан,*
*Ҳар ким ўзи билгай, ким нима эккан,*
*Экканинг гул бўлсин, ҳам буғдой бўлсин.*
*Зулматда кўрганинг тўлин ой бўлсин,*

*Тиклашиб борсанг гар тоғлар тан олгай,*
*Меҳрингдан сув тара, боғлар тан олгай,*
*Маҳмуд, аслинг булбул, зоғлар тан олгай,*
*Куймаганни куйдир, дилим деб айтгин,*
*Бир сатр бўлса ҳам элим деб айтгин.*

***Ижод майдони кенг, унда қалам тебратаётган ҳар бир ижодкор ўз иқтидори ва истеъдоди даражасида асарлар ёзмоқда. Муҳими бу ижод намуналарининг маънавиятимиз учун хизмат қилаётганидир.***

# БЕКОБОДДА БИР ШОИР БОР

Бекободда ҳам бир шоир бор, Малик Эгам. Унинг озми-кўпми ижод йўлидан хабардор бўлганлигим учун бир нарсани аниқ айтаман, ниҳоятда камтарин ва камсуқум инсон. Бўлар-бўлмасга давраларга чиқиб шеър ўқийвермайди, ёзганларини қўлтиқлаб таҳририятма-таҳририят юравермайди. Кўнглига шеър келганда ёзади, ўзига маъқул 3-4 нафар шеър тушунадиганларга ижодидан ўқиб беради, шеърни ёниб ўқийди. Зотан унинг шеърларида Ватанга, элга бўлган қайноқ муҳаббат ловиллаб туради. Юрт ҳақида шундай ёзади:

*Бунда ҳар бир миллат ўз феъли бирлан,*
*Ҳар кун Яратганни рози этгайдир.*
*Кўзим қароғида Ўзбекистоним*
*Жаннат равзасига ўхшаб кетгайдир...*

Малик Эгам ҳар бир ёзган шеърининг салмоғи бўлишини, юртнинг бир корига ярашини орзу қилади. Демак у кўксимизга фахр-ифтихор туйғуларидан дарахт экмоқчи бўлади.

*Гўзал бўлса шеърим, бегард, беғубор,*
*Бандам деб, Худо ҳам қилса эътибор.*
*Ўлсам, тобутимни кўтарадиган*
*Бир шеър ёзсам...*

Малик Эгамнинг «Янги аср авлоди» нашриётида чоп этилган «Саждагоҳ» шеърий тўпламини ўқиб бир хулосага келдим. Шоир ясамачиликдан, ўқиганда ишониш қийин бўлган мисралардан қочар экан. Унинг китобини ўқиб чиқсангиз ям-яшил адирда ёнбошлаб олиб, жайдари, лекин ақлли бир қишлоқ одами билан мазза қилиб суҳбат қургандек бўласиз. Бу суҳбатда ортиқча гаплар йўқ, лекин сизнинг ҳам кўнглингизда бор гап-у, тилингизга кўчмаган мисралар. «Абдулла Қаҳҳорнинг гапидан...» деган мўъжаз шеъри бор. Эътибор қилинг:

*Муттаҳам кимлигин айтмайман атай,*
*Муғамбир бўлмоқ ҳам ишнинг уддаси.*
*Гар бирин номини келтирсам мисол,*
*Эркин нафас олгай қолган ўнтаси.*

Шеър – кўнгил хоҳиши дейишади, маъқул гап, лекин сенинг кўнглинг хоҳиши бошқаларнинг кўнгил хоҳишига тўғри келадими? Ҳамма гап шунда. Мен шеърнинг бир марта ўқиб ташлаб қўйилиши тарафдори эмасман. Шеърни ўқиган ўқувчи ҳар сафар ўзи учун унинг янги қирраларини топсин. Шеър уни ўйлантирсин, мулоҳазага чорласин, ақлини чархласин.

Малик Эгамнинг «Ўрган» деган оддий гаплардан иборат бир шеъри бор. У шундай бошланади:

*Болам, қадрим билар бўлсанг,*
*Борлигимда қадрим ўрган,*
*Ғаниматман, садоқатга*
*Зорлигимда қадрим ўрган.*

Оллоҳ, ҳар бандасини тириклигида улуғласин, оталар фарзандларнинг садоқатига зорлигида улар кунларига ярасин.

«Саждагоҳ» тўпламида эсда қоладиган ибратли гаплар талайгина, масалан:

*Баъзан катталарнинг улкан тақдири*
*Майдалар қўлига тушиб қоларкан.*
ёки:
*Фарзанд ҳам камолга етган ҳамоно*
*Бешиги юртига айланар экан...*

Малик Эгамнинг бу тўплами унинг узоқ йиллик ижод мажмуаси, унда бир-биридан гўзал, бир-биридан мазмунли шеърлар кўп. Эшитишимча, Малик Эгам оёқ-қўлини йиғиштириб олиб, нафақага чиқиб олган. Уч-тўрт невараниниг ҳархашасини ҳисобга олмаганда, шеър ёзишга вақти кўп. Яратган ҳам, «Малик Эгам бўлди энди, шунча йил кўринмай юрганинг, матбуотда тез-тез чиқиш қилиб тур, танимаганлар таниб олсин, таниганлар танийман деб фахрланиб юрсин» деб кўнглига мулк солгани рост бўлсин.

Биз шеърият ихлосмандлари янги шеър эшитган кунимизни байрам қилаверайлик.

**Ҳамид НОРҚУЛ.**




# ШОҲСУПАГА БИР ҚАДАМ ҚОЛГАНДА...

**Чирчиқ автомобиль мактабига қарашли Жалолиддин Мангуберди номидаги спорт мажмуаси ўқув-техника марказида С. В. Ничипуренко хотирасига бағишланган ёзги биатлон бўйича анъанавий республика чемпионати ўтказилди.**

Мусобақаларда мамлакатнинг ўн вилояти ва Тошкент шаҳридан жами 11 та жамоа ғолиблик учун кураш олиб борди. Аёллар 3000 ва 5000 метр, эркаклар 4000 ва 6000 метр масофада ўзаро куч синашдилар.

Жамоа ҳисобидаги биринчиликда энг юқори натижани қайд этган наманганлик спортчилар республика чемпиони унвонини қўлга киритдилар. Иккинчи ва учинчи совринли ўринлар Самарқанд ва Жиззах вилоятлари жамоаларига насиб этди. Вилоятимиз вакилларининг шоҳсупадан ўрин олишларига бир қадам етмади. Улар битта кумуш ва битта бронза медали билан 4-ўринни банд этишди. Ушбу икки медални Дилафруз Имомҳусанова қўлга киритди.

Ғолиб ва совриндорлар Ўзбекистон чемпионати медаллари ҳамда "Uzbekiston AIRWAYS TECHNIC" авиакорхонасининг қимматбаҳо эсдалик совғалари билан тақдирланди.



**СУРАТЛАРДА:** мусобақалар жараёнидан лавҳалар.

# МУҲАББАТ



Улар «бир-бирларини яхши кўриб, турмуш қуришган» деб эшитганман. Қишлоқда «Севги, муҳаббат» деган сўзлар айтилмайди-да.

Бир қарашда, уларнинг турмуши қишлоғимиздаги бошқа оилаларникидан фарқ қилмасди, барча каби оддийгина яшашарди. Бир билганим – эр ҳеч қачон аёлни урушиб, сўкмасди. Рўзғор-да, баъзан хотини жаҳлга миниб, бақир-чақир қилиб қолса, эр индамай уйдан чиқиб кетар, ўзини мол-ҳол, дала ишлари билан овутиб юраверарди. Лекин сал ҳаялласа, унинг сулув аёли бетоқатланиб қоларди.

Ўрта ёшларда бўлса ҳам ўз жозибасини йўқотмаган аёл бир куни тўсатдан юрак хуружига учраб йиқилди ва орадан кўп ўтмай, вафот этди.

Шу воқеадан кейин қишлоқдагилардан кимдир эрнинг тонг қоронғусида қабристон томондан келаётганини кўрибди. Кўрибди-ю, унчалик эътибор қилмабди. Сабаби – азалдан ўзи «қуш уйқули», салгина мизғиб олгач, ё мол-ҳолини боқиб, ё даласида куймаланиб юрадиган бу чайир кишини ярим тунда ёхуд тонг саҳарда учратиш оддий ҳол эди. Аммо қишлоқда «фалончи бора-бора ҳар тун аёли қабрига бориб, уни қучоқлаб ётармиш» деган гаплар кўпая бошлади.

Одамлар ҳайрон: «Бу нимаси бўлди, ақл-ҳуши жойидами унинг?» Қишлоқдагилар бундай ҳолни тасаввурларига сиғдиролмас эдилар. Ахир бу китобий гап ёки ишқий фильм эмас, ҳаёт-ку. Ҳаётда ҳам шунақаси бўларканми?

Алқисса, кунлардан бир куни қишлоқ аҳлини ларзага солган яна бир воқеа содир бўлди. Аёлининг маъракасига бир қўчқор олиб келиш учун тун ярмида мол бозорига йўл олган эр ногоҳ автоҳалокатга учраб, ҳалок бўлибди. Бу машъум хабарни эшитиб, жон ҳолатда етиб борганлар марҳумнинг ҳолатини кўриб, ҳайратда қотиб қолибдилар – у кулимсираб ётганмиш. Истарали, буғдойранг юзида ҳаловат зоҳир эмиш. Афтидан, у яхши кўргани билан нариги дунёда дийдорлашиш имкони туғилганидан бахтиёр эди...

Мен эса соддагина бу икки қишлоқдошимнинг ўзаро муносабатларини дунёдаги энг гўзал туйғу деб атагим келди.

**Маъмуржон БОЗОРАЛИЕВ.**

Ҳамза туманидаги "TURONGUL" ХК (ОКПО 15356518)

**ТУГАТИЛАДИ.**

Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб 1 ой давомида Майна Ҳасанова кўчаси, 33-уй ҳамда 248-43-75 рақамли телефон орқали қабул қилинади.

Учтепа туманидаги 74-ўрта мактаб томонидан 2003 йил 21 июнда Раджапова Виктория Рустамовна номига берилган O'R-B № 0113773 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Утерянную Guvohnoma № 000183, реестр 08-000183 от 7.02.2002г., выданную Чиланзарским хокимиятом города Ташкента на фирму "MADANIY TA'MINOT",

**СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.**

Маҳсулот сертификатланган
предприятие UZBARRELPRODUCTION Совместное
Марказий Осиёда йирик ишлаб чиқарувчилардан бири
**ПЛАСТМАСС БОЧКАЛАРИ**
Европа стандарти



ЧП Dadabaev X.B.
Тошкент ш., Афросиёб проспекти 12, Сайт: www.uzbp.uz e-mail:uzpb@mail.ru
Тел./факс:(99871) 252-56-01, 252-74-14

**«O`zGEOTEXLITI»**

**Ўзбекистон геотехнология илмий-тадқиқот ва лойиҳалаштириш институти саноат бўлимига тажрибаси уч йилдан кам бўлмаган қурилиш бўйича муҳандисларни қуйидаги лавозимларга ишга таклиф этамиз:**

**- I тоифали муҳандис;**
**- етакчи муҳандис;**
**- бош мутахассис.**

Манзил: Тошкент шаҳри, Бобур кўчаси, 15-уй.
Тел: 255-69-55.
E-mail: info@geotech.uz
Sayt: www.geotech.uz

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

**Муассис:**
ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир
Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

**Телефонлар:**
Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 236-55-54.
Эълонлар: 236-55-03, 236-53-54.

**Манзилимиз:**
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

● Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма Г-440. Адади 8907. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. *Саҳифаловчи: Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ.*

Ⓣ белгили материаллар – тижорат материаллари. "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 19.45. 1 2 3 4 6 7 8